

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

60110800 – КИМЁ

бакалавриат таълим йўналишининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент – 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «9» 09 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60110800-кимё таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	5
1.2.1. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:.....	5
1.2.2. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:.....	5
1.2.3. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:.....	5
1.2.4. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига кўйиладиган талаблар.....	8
2.1. Битирувчи қуйидаги умуммаданий компетенцияларга эга бўлиши лозим:.....	8
2.2. Касбий компетенциялар.....	9
2.3. Фанга доир компетенциялар.....	10

60110800-кимё бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил. Кечки таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4,5 (5) йил бўлиши мумкин.

Бакалавриат ўқув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, кечки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 240 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўқув йили учун бакалавриат таълим дастурининг ҳажми 60 кредитни ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўшимча мутахассислик (квалификация) учун ўқув режанинг танлов фанлари таркибидан 40-60 кредит миқдорига ўқув ташкил қилиниши назарда тутилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60110800-кимё таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60110800 – Кимё таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча педагогика соҳасида кадр тайёрлайдиган олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– 60110800-Кимё таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалаврият таълим йўналишларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.

1.2.1. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

- умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси касб стандартига мувофиқ умумий ўрта таълимда кимё фани ўқитувчиси мақомида педагогик фаолият олиб бориш;
- ўрта махсус ва профессионал таълимда кимё фани ўқитувчиси сифатида педагогик фаолият олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;
- умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандартига мувофиқ таълим муассасасини бошқариш;
- умумий ўрта таълим мактаби, профессионал таълим муассасалари, олий таълимда лаборант, кабинет мудир сифатида фаолият юритиш каби комплекс масалаларни мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- умумий ўрта таълим кимё ўқитиш жараёни, кимё таълимининг назарий масалалари, ўқитиш методикаси;
- лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш, лойиҳалаштириш ва таълим технологиялари асосида ўқув жараённи бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари; маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

1.2.3. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- педагогик;

- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий-маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60110800-кимё таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолиятида:

- **ўқув жараёнини режалаштириш:** ДТС ва ЎД ларининг мақсадларига мувофиқ ўқув режа ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўқув дастурларини мослаштириш, фанларни корреляция ва интеграция тамойилларига кўра режалаштириш, дарснинг аниқ мақсад ва натижаларига кўра дарс режасини ишлаб чиқиш, дифференциал ёндашув асосида дарс шакллари ва усулларини режалаштириш, ўқув, намоёиш ва тарқатма материаллардан фойдаланишни режалаштириш;

- **таълим самарадорлигини таъминлаш:** дарс мақсадларига кўра ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб вазифаларни белгилаш, дарс мавзусига мос намоёиш ва тарқатма материаллардан фойдаланиш, дарсда вақт тақсмотини тўғри режалаштириш, таълим жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига кўра дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг таълимий мақсадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиш усуллари ва ёндашувларни танлаш, ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг жамоавий ва лойихавий ишларини ташкил этиш ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларидан фойдаланиш, ўқувчиларга дифференциал ёрдам бериш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш имкониятини яратиш, дарсда мотивацияга эришиш, синфда самарали мулоқотга эришиш;

- **ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш:** таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш, баҳолаш мезонларини билиши ва амалда қўллаш олиши, мавжуд муаммоларни аниқлай олиши ва таҳлил қилиш

- **тарбиявий фаолиятни ташкил этиш:** тарбиявий ишларнинг замонавий, интерактив шакл ва усулларини машғулот ҳамда синфдан ташқари ишларда қўллаш, тарбиявий ишларда ўқувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, таълим муассасасининг устави ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўқувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий соғлом муҳитни ярата олиш, ўқувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик фуқаролик позицияси, меҳнатга лаёқати, соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш

- **хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш:** ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, ўқувчиларга синф ҳаётида тенг имкониятлар яратса, низоли вазиятларда оптимал ечимли қарор чиқара олиши, ўқувчилар билан индивидуал ишлар олиб бориши, замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бера олиш;

- **ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш:** мунтазам малака ошириш курсаридан ўтиш, фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда қўллаш, касбий фаолият юзасидан семинар ва тренингларда иштирок этиш ҳамда ташкил этиш, ўзаро дарсларда қатнашиш, дарсларни таҳлил қилиш, очик дарслар ўтказиш, касбий фаолиятда керакли ўзгаришларни амалга ошириш;

- **ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш:** ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) таълим жараёнига мактаб ҳаётига жалб қилиш, ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ўқувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб этиш, тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошқа педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоқи) билан ҳамкорлик қилиш;

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- кимё соҳасида илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- кимё фанларига доир интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш ҳамда амалиётга бевосита тадбиқ этиш;

- кимё ўқитиш методикаси таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– кимёга доир тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

– маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

– ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

– глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

– маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

– миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш қобилиятларига эга бўлиши керак.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

– фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиш.

2. 60110800-кимё таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Битирувчи куйидаги умуммаданий компетенцияларга эга бўлиши лозим:

2.1.1. Шахсий ўсишга интилишни шакллантириш ва объектив баҳолаш, шунингдек, таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

2.1.2. Ижтимоий ва касбий вазифаларни ҳал этишда умумкасбий ва мутахассислик фанларнинг асосий қоидалари ва методларидан самарали фойдалана олиш;

2.1.3. Она тилида ўз фикрларини тизимли ва эркин баён этиш, илмий матнлар билан ишлаш, оммавий нутқ сўзлаш учун она тили ва чет тилларидан бирида ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларини эгаллаганлик;

2.1.4. Мулоқотга киришиш ва махсус матнларни тушуниш учун чет тиллардаги билимлардан фойдалана олиш;

2.1.5. Ахборотни олиш, саралаш, сақлаш ва қайта ишлаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш ва медиасаводхонлик; глобал компютер тармоқлар билан ишлаш кўникмаларига эгаллик.

2.1.6. Ижтимоий ўзаро ҳаракатга киришишда таълим иштирокчиларининг этномаданий ўзига хосликларини ҳисобга олиш.

2.1.7. Ахлоқий меъёрлар ва маънавий маданиятни ўзлаштириш.

2.1.8. Илмий тадқиқотларни ташкил этиш, илмий билиш ютуқларига эришиш тамойилларини англаш;

2.1.9. Гигиена, меҳнат муҳофазаси ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш қоидалари талабларига мувофиқ, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қобилиятлилик.

2.2. Касбий компетенциялар:

2.2.1. Ўқув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ этиш;

2.2.2. Турли ёш даврларида инсоннинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг махсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эгаллик; ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатга кириша олиш;

2.2.3. Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг миқдор ва сифат методларини эгаллаганлик.

2.2.4. Турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгаллик;

2.2.5. Ўқитиш, тарбия, ривожланишнинг турли назарияларига доир билимлар, таълимнинг турли босқичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилияти;

2.2.6. Болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

2.2.7. Таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро ҳаракатини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

2.2.8. Педагогик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

2.2.9. Жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллий тарбиянинг қонуният ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, кўпмаданиятчилик муҳитида касбий фаолиятни ташкил этиш усулларини эгаллаш;

2.2.10. Касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятлилик;

2.2.11. Касбий фаолиятда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти;

2.2.12. Танқидий фикрлаш методикасини ўзлаштирганлик;

2.2.13. Инклюзив таълимга қадриятли муносабатнинг таркиб топганлиги; узоқ вақт даволанишга муҳтож ўқувчилар билан ишлаш (госпитал педагогика) технологиясига эга бўлиши;

2.2.14. Таълим олувчиларга ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанликка доир компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга имкон берадиган натижавийлик ва мобилликка йўналтирилган ўқитишга қобилиятлилик.

2.3. Фанга доир компетенциялар.

2.3.1. кимё таълимининг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитишда узвийликни амалга ошириш воситаларини эгаллаганлик;

2.3.2. кимёнинг назарияси ва амалиёти доир замонавий билимларни эгаллаганлик;

2.3.3. кимёга доир билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш ҳамда эгалланган таянч билимларни ўқувчиларга етказиш қобилияти;

2.3.4. умумий кимё фанидан соҳанинг назарий асосларини пухта эгаллаган бўлиши ва ундан турдош тармоқларда самарали фойдалана олиши, жумладан атом молекуляр таълимот, термодинамика ва кинетика, кимёвий жараёнларнинг бориш шартлари, эритмалар, электролитик диссоциацияланиш, электролиз жараёнлари билимига эга бўлиши, амалий ҳаракатларни бажариш кўникмасига ва малакасига эга бўлиши;

2.3.5. аорганик кимё фанидан кимёвий элементлар даврий қонуни ва системаси, асосий ва қўшимча гуруҳи элементлари оддий ва мураккаб моддаларининг тузилиши назариялари, олиниши ва хоссалари; элементлар ва уларнинг бирикмаларининг хоссаларини ўрганишга оид билимлар ва уларни амалиётда қўллашни эгаллаганлик;

2.3.6. аналитик кимёнинг бошқа фанлар билан алоқаси, халқ хўжалиги ва саноатда тутган ўрни ҳақида; сифат ва миқдор анализи, ҳўл ва қуруқ усулдаги анализ, катион ва анионларнинг сифат реакциялари ёрдамида идентификация қилиш методлари, тажрибаларни ўтказиш билиши ва улардан фойдалана билиш;

2.3.7. органик кимёда моддаларни тадқиқ этиш методлари; органик моддаларнинг кимёвий тузилиши, органик бирикмаларнинг синфлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; органик кимё фани бойича тажрибалар ўтказиш ва масалалар ечиш малакаларини ҳосил қилиши ҳамда амалда қўллай олиши;

2.3.8. физик кимё фанининг юксалиш босқичлари, ўрганиш жараёнида кимёвий реакцияларнинг кинетик барқарорликнинг хиллари ва сабабларини билиши ва улардан фойдалана олиши амалда қўллай олиши эгаллаганлик;

2.3.9. Кимё ўқитиш методикаси фанининг ривожланиши, тарихи, педагогик технологиялар, ўқитиш методлари, ўқитиш воситаларини амалиётга самарали қўллаш олиши, таълимни ДТС меъёрлари, ўқув дастурларига кўра ташкил этиши, баҳолаш мезонларини тушуниши, халқаро баҳолаш тадқиқотларини билиши ва ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини (PISA контекстлари) ривожлантириш фаолиятида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши;

Касбий квалификациялар:

Умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослашган мактаблар, лицей ва профессионал таълим муассасаларида кимё ва қўшимча мутахассислик (квалификация) фанларидан дарс бериш, таълим тизимида методист, ишлаб чиқариш объектлари ва ташкилотларда лаборант, фанлар академияларида лаборант-тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофик:

Ўқув даврлари	Хафта тақсимоти
Назарий ва амалий таълим	40-65%
<i>Шу жумладан, аудитория (контакти) ва мустақил таълимнинг нисбати</i>	<i>40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача</i>
Аттестация	6-15%
Таътил	8-15%
Малакавий амалиёт	6-25%
Битирув малакавий иши	2-7%

Библиографик маълумотлар

УДК 54: 371.3

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми

Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти:

Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг қайд қилиш рақами	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	P.003.1286/И-21	23.08.2021 №332 ИЧ

Манба: Касб стандартлари реестри. Манба: Касб стандартлари реестри, <https://prof-standart.uz/uz/profstandart/1291>

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари
хамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат педагогика университети



Ректор

[Signature]

А.Киргизбаев

2021 йил « »

КЕЛИШИЛГАН:

Кадрлар буюртмачиси:

ОЎМТВ хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор
технологияларни талбиқ этиш маркази

Директор

[Signature]

Ш.У.Якубов

2021 йил « »

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги хузуридаги Республика таълим
маркази

Директор

[Signature]

Ш.Ш.Саттаров

2021 йил « »

М.Ў.

Жиззах давлат педагогика
университети



Ректор

[Signature]

2021 йил « »









Қўқон давлат педагогика институтини
Ректор

[Signature]

2022 йил « »



**60110800-кимё бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб
чиқилган
малака талаби мазмуни бўйича ишчи гуруҳи**

№	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзолари	аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	раис	Х.Ш.Кадиров	Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори	
2	раис ўринбосари	К.А.Сапаров	Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультети декани	
3	аъзо	Р.Ш.Бердикулов	Низомий номидаги ТДПУ Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси муdiri	
4	аъзо	И.Т.Азимов	Низомий номидаги Биология ва уни ўқитиш методикаси кафедраси муdiri	
5	аъзо	А.Ю.Искандаров	Низомий номидаги Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти	
6	аъзо	Ф.А.Алимова	Низомий номидаги ТДПУ Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти, п.ф.н.	
7	аъзо	М.И.Ибодуллаева	Низомий номидаги ТДПУ Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти, к.ф.н.	
8	аъзо	И.Э.Шерназаров	Низомий номидаги Кимё ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доценти в.б., PhD	

Ректор

А.К.Киргизбаев

Ўқув ишлари бўйича проректор

Х.Ш.Кадиров

Ўқув-меъёрий хужжатларни
такомиллаштириш бўлими бошлиғи

Б.Дж.Саттарова

Факультет декани

К.А.Сапаров